



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 21 июнь, пайшанба, 25-(449)-сон



**ҚОНУН КУЧИ БИЛАН ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР 28 ФОИЗГА ҚИСҚАРДИ**

3 →



**ПИЛЛАНИНГ ПУШТИ, САРИҚ ВА ЯШИЛ РАНГЛИ ТУРИ ЯРАТИЛДИ**

5 →



**ЖОЙЛАРДА ИНТЕНСИВ БОҒЛАРНИ КўПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ КўРИЛМОҚДА**

6 →

## Қарор ва ижро

### МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ-КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизimini янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори касб-хунар коллежларида изчил амалга ошириладиган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

2 →

## Партиявий лойиҳа

### БИЗНЕСГА ДИПЛОМ БИЛАН

Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашда O'zLiDeP томонидан илгари суриладиган қатор лойиҳалар ҳам муҳим аҳамият касб этаётти

— Айниқса, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси таълим муассасаларини битириб, тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга интиладиган, бунинг учун зарур кўмак ва бошланғич сармояга эҳтиёж сезаётган ёшларга кўл келмоқда, — дейди Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Баҳодир Кўчаров.

4 →

## Мустақилликнинг 21 йиллиги олдидан

### ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**ШУ ЙИЛ 19 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ Тўғрисида»ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ**

20 июнь куни байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика вазирилик ва идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси Ш.Мирзиёев бошқарди.

Қарорда таъкидланганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошириладиган улкан янгиланишлар, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани халқимиз учун энг улуг, энг азиз бўлган мустақиллик самарасидир.

Комиссия мажлисида ана шу муқаддас байрамга муносиб тайёргарлик кўриш ва уни халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказиш, юртимизда амалга ошириладиган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, байрамга тайёргарлик ишларини аниқ тизим асосида ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2 →

## Парламентда



Салом Қўриқов олован сурати

### Вазирлик танқиддан тўғри хулоса чиқарди

**АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ЯРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИЗЧИЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА**

2011 йилнинг июль ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг Халқ таълими вазирилик ва Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги ижросини ўрганиб, бир қатор камчиликларга йўл қўйилганини аниқлаган эди. Хўш, ўтган давр мобайнида ана шу камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди? Кўмитанинг навбатдаги йиғилишида ана шу саволга жавоб қайтарилди.

Ийгилишда алоҳида таъкидланганидек, бугун «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан қандай бажариладигани устидан қатъий парламент назоратини ўрнатилган алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Ахборотлаштириш соҳасида яратилган қонунчилик базаси таълим жараёнига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда муҳим омили бўлмоқда, — деди кўмита раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Журабоев.

3 →

## Фермерлик ҳаракати

ҚУДРАТЛИ ИЖТИМОЙ КУЧГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИШ, ҚУДРАТЛИ ИЖТИМОЙ КУЧГА АЙЛАНТИРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР.**

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан бундан 20 йил аввал айtilган «Бугунги кунда қишлоққа ўзининг асл қадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ ҳўжалиги қайта тугилиши керак. Қишлоқ меҳнатқашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг тур-

муш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ернинг эгаси эканлиги тўғрисида қайта тиклаш керак. Энг муҳими, қишлоқ ҳўжалигини юритишнинг шундай меҳа-

низини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундагина деҳқон ўзини ҳақиқатан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади» деган сўзлар ёдга тушади.

2 →

## Янгилик

### «ЎЗБЕК ЗАЙТУНИ» ЯРАТИЛДИ

Она-заминимизда унмайдиган ўсимликнинг ўзи йўқ, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети табиий фанлар кафедраси муdiri, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Дилором Ерматова республикамизда зайтундан ҳосил олиш мумкинлигини исботлади. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Шўрчи ва Жарқўрғон туманларида 20000 туپ зайтун парварииш қилиниб, уларнинг 100 таси мева тулди. Андижон ва Фарғона вилоятларида 2500 туپ зайтун қўчати ўстирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, селекционерларимиз «Ўзбек зайтуни» деб номланган маҳаллий навни яратишга муваффақ бўлдилар.

## Партиявий масъулият

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР O'ZLiDEP ФАОЛИЯТИНИ ЖОНЛАНТИРИШ, ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИГА БўЛГАН ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ КўРСАТДИ**



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бир пайтлар фақат қишлоқ ҳўжалигига асосланган Сурхондарёда бугун ишлаб чиқариш, саноат ва савдо хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам жадал ривожланиб, шаҳар ва туманлар тобора чирой очиб бормоқда. Айниқса, ўтган беш йил мобайнида вилоятнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоиз атрофида бўлгани, саноат соҳасида ўсиш кўрсаткичлари 124,5 фоизни ташкил этгани инсон манфаатларига қаратилган ислохотлар самарасидир. Иқтисодий-тизмизнинг муҳим тармоғига айланган кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши кейинги беш йилда 63,9 фоиздан 73,8 етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич экани эса вилоятда ўрта синфни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиладиганини кўрсатади, албатта.

Аммо сессияда ана шундай натижаларга қарамай, ечимини қутаётган, ҳанузгача ҳал қилинмаётган айрим муаммолар мавжудлигидан ислохотлар натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия сифатида ниҳоятда жиддий хулосалар чиқаришимиз керак.

Хусусан, жорий йил бошига қадар вилоятда 27 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган, аммо уларнинг 90 фоизигина ишлаётгани партия фаолларининг, маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг лоқайдлиги билан ҳам боғлиқдир.

Бундай камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилмагани партия фаоллари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти қониқарсиз эканидан, уларнинг жойларда етарлича жамоатчилик назоратини ўрната олмаётганидан далолатдир. Зеро, бугун қонунчилигимизда депутатлик сўрови ва зийтуви сингари институтларга алоҳида ўрин ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида билдирилган мулоҳаза ва таклифлардан нафақат вилоят, балки барча бўғиндаги фаолларимиз жиддий хулосалар чиқариши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни қоритиш, шунингдек, бозорда ва бошқа маъбурий тўловларни учун ҳоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:

1 Австралия долларлари	↑ 1902,19
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2955,16
1 Ҳитой ҳави	↑ 296,14
1 Швейцария франки	↑ 1989,12
1 АКШ долларлари	↑ 1881,31
1 ЕВРО	↑ 2364,69
1 Япония иенаси	↑ 235,94
1 Украина гривнаси	↑ 235,38

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур вилотларини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш маъбуриятини олмаган.

6 →

## БУГУНГИ СОНДА:

### ЗАМОНАГА МОСЛАШИШНИНГ ҲАҚЧА УСУЛИ

## 4 ЕКИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАЗКУР ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҚАРАШЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

3 →

# Ислохот

## Фермерлик ҳаракати

ҚУДРАТЛИ ИЖТИМОЙ КУЧГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Чиндан ҳам, мамлакатимизнинг 20 йиллик тараққиёт даврида қишлоққа унинг асл қадр-қиммати қайтарилди, қишлоқ ҳўжалиги мустақкам оёққа туриб, қишлоқ меҳнатқашлари мулкдор сифатида қишлоқларимиздаги етакчи кучга айланди.

Айни пайтда Сурхондарёда 4 минг 951 та фермер ҳўжалиги бўлиб, уларда 140 мингдан зиёд фуқаро меҳнат қилаётгани айтилмоқда.

Биз бир пайтлар бундай натижаларни ушалмас ордудек қабул қилардик. Мутахассислар бу йил воҳа фермерлари 119 минг 600 гектар майдонда пахта, 98 минг гектар сувли майдонда галла, 15 минг 615 гектар майдонда эса мева-узум, 14 минг 369 гектар асосий ва оралиқ майдонларда сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилялганини таъкидламоқдалар.

Барча ишлар тизимли равишда ташкил этилгани учун ҳам фермерлар даласида мўл ҳосил тўпланди, — дейди вилоят ҳокими-нинг биринчи ўринбосари Тоғимурод Мамарайимов. — Қишлоқ ҳўжалигида йилнинг биринчи ҳосили — пилла етиштириш режаси ортиги билан бажарилиди. Қабул пунктларида 1473,6 тонна пилла хом ашёси етказиб берилди. Йигиб-териб олинаётган мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари эса дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги ва бозорларимизда нарҳ-навонинг арзон бўлишини таъминламоқда. Энг муҳими, дон мўл бўлди. Илгор фермерлар бирин-кетин шартномавий режаларни бажараётдилар.

Бир сўз билан айтганда, вилоят фермерлари «Сурхондарёнинг бошқа хўдаларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ»лигини ўз ташаббускорликлари ва ҳалол меҳнатлари билан исботламоқдалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қувондиқ Ҳамзаевнинг таъкидлашича, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, айниқса, ялпи худудий маҳсулот ҳажмини ошириш масаласи депутатларни ўйлантириши лозимлиги ҳақидаги фикрлар O'zLiDeP зиммасига алоҳида масъулият юклаши лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Абдуҳолик Жабборов эса сисёсий майдонда фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган куч сифатида партия фаоллари Юртбошимизнинг Ўзбекистонда бу фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, уни янги босқичга қўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш лозимлиги ҳақидаги талабларидан жиддий хулосалар чиқариши ке-

мерлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини аълатмоқда.

Соҳа мутасаддилари айни кунларда Музабот, Денов, Шеробод, Қизилқум ва Ангор туманларида галла ўрим-йиғими қизгин паллага кирганини, бу йил вилоят фермерлари давлатга 249 минг тоннадан ортиқ сара дон етказиб бериши режалаштирилганини таъкидлаптилар. — Техника — деқон қаноти, — дейди Тоғимурод Мамарайимов.

техника воситалари олиб келинди. Тижорат банкларининг кредит маблағлари ва лизинг асосида сотиб олинаётган янги техника воситалари фермерларнинг дала юмушларини тез, сифатли бажаришларини таъминлашга хизмат қилапти.

Сурхондарёда боғдорчиликни янада ривожлантириб, мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва арзон мева, узум маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадда хориж технологияси асосида замонвий пасткам ва ярим пасткам мевали боғ яратилялганини қувонч билан қайта таъкидлапти. Утган йили вилоятда барпо этилган 215 гектар майдондаги ана шундай янги боғлар бу йил ҳосилга кирди. Жорий йилда 40 дан ортиқ фермер ҳўжалиги 200 гектарга яқин майдонда интенсив боғ яратди.

Боғдорчиликни ривожлантириш учун ҳам барча шарт шарт яратилган, — дейди Сариосиё туманидаги «Боғу-бўстон» фермер ҳўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Носирхон Тўрақуллов. — Лалми ерларда боғ яратиби, яхши ҳосил олаётган эдик. Бу йил 10 гектар майдонда интенсив олма боғи барпо эдик. Замонавий усулда парвариланадиган янги боғ ҳосилдорлиги, меваси сифатлилиги билан бизда катта қизиқиш уйғотгач, замонвий янги боғ қўчаларини олиб келиди, ўтказдик. Юртбошимизнинг фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайти, деган сўзларидан руҳланиб, ўз маҳсулотларимизни вилоятнинг ўзида қайта ишлаш лозимлигини тушуниб эдик.

Ҳа, чиндан ҳам истикбол йиллари барча соҳа ва тизимларда бўлганидек, қишлоқ ҳўжалигида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Аграр соҳа сердаромад, рентабелли тармоққа айланди. Бу йил Сурхондарёда 1 миллион 228 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш мўлжалланаётгани ҳам тармоқдаги изчил ишлаш ва янгиликлар самарасидир. Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлиги, мамлакат осойишталиги ва юрт тараққиёти йўлида олиб борилялган эзгу ишларнинг ёрқин намунаси ҳамдир.

### ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида билдирган фикрлари биз, фермерларни янада руҳлантириб, зиммамиздаги улкан жавобгарликни яна бир бор ҳис этишга, мулкдор сифатида давлат ва жамият олдидаги масъулиятини аълаш имконини берди.

Чиндан ҳам яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли фермерлик ҳаракати аҳолини иш билан банд этувчи, оқори даромад олиш, санатимизни хом ашё билан, халқимизни эса сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи муҳим соҳага айланди. Соҳа ривожини аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, энг чеқма худудларда ҳам ишлаб чиқариш суръатларини оширишга имкон бермоқда.

Собик иттифоқ даврида соҳа вакилларига фақат пахта етиштирувчилар сифатида қаралган бўлса, айни кунларда фермер нафақат қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакили, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини фаол иштирок этаётган мулкдорга, сийсатчи-депутатга айланди. Эндиликда улар зиммасига қишлоққа санатини олиб кириш, ўзи яшаб турган худуд қиёфасини ўзгартаришга ҳисса қўйиш, аҳолини, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашдек, масъулиятли вазифалар юклятиляпти. Буни фақат деҳқончилик ортидан келадиган маблағ ҳисобидан амалга ошириб бўлмайти, албатта. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш лозим. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугун фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, агроном, санатчи бўлиши керак. Шундагина меҳнатдан ризқ топиб, атрафдагиларга наф қилтириш мумкин. Ана шу ҳаётий ҳақиқат яна бир қарра тилга олинди.

Абдузоир Абдуқодиров, Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер ҳўжалиги раҳбари

раклигини таъкидлади.

— Бу жараён, энг аввало, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган қонунларни янгилаш билан боғлиқ, — дейди А.Жаббаров.

Ҳақиқатан ҳам, Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида белгилаб берилган вазифалар соҳани янада ривожлантириш, фер-

— Сурхондарёда айрим техника воситаларининг эскиргани фермерларимиз учун маълум қийинчиликларни юзага келтирялган эди. — Мазкур муаммони ҳам босқичма-босқич ҳал этаёймиз. Шу йилнинг ўтган даврида 1 минг 788 та транспорт ва чопиқ тракторлари, культиватор, чигит экиш сеялкаси, пуракчи ва галла ўриш комбайнлари ҳамда бошқа зарур

Қарор ва ижро

## Малакали педагог-кадрлар тайёрлаш — давр талаби

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Саъдулла ТАДЖИЕВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосари

Бугун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва унинг таркибий қисми бўлган «Мақтаб таълиминини ривожлантириш умумий давлат дастури» доирасида юртимизда барпо этилялган минглаб лицей, коллеж ва мактабларда миллионлаб ўқувчи ёшлар таълим олмақдалар.

Бу эса замон талабларидан келиб чиққан ҳолда малакали педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва улар фаолиятини янги педагогик технологиялар асосида янада юкори босқичга олиб чиқилиши тақозо этади.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 214 та йўналиш ва мутахассис-

лик бўйича 115,8 минг нафар педагог фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотли, 70 фоиздан кўпроги эса 40 ёшгача бўлган юкори малакали мутахассислардир.

Юртбошимиз қароридан ана шундай натижаларга қарамай, соҳани янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваломбор, уларнинг малакаси ҳамда қўйилаялган талабларга мувофиқ эмаслиги алоҳида таъкидландики, бу соҳа мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклаши лозим, албатта.


Маълумки, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни касбий тайёрликка эга, замонавий фикрловчи раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этмасдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими соҳаси-

да қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайти.

Шу жиҳатдан, қарорнинг 5-бандида таълим жараёнига илгор педагогик услуб ва технологиялар ("case study" услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, "амалий ўйин", интерфол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мўлти-медиа тадиқотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар қўйилтирилиши назарда тутилмоқда. Бу эса анг аввало, етук малакага эга кадрларни тайёрлаш билан боғлиқдир.

Қарорнинг 6-бандида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тармоқ (базавий) касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни эгаллашари бўйича доимий фаолият юр-тадиган семинарлар ташкил этиш лозимлиги қай-тилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Семинарларни ўтказиш учун мазкур технологияларни эгаллашари мутахассисларни ишга олишга руҳ-сат берилиши, вазирлик ва марказнинг масъул ходимлари, олий ўқув юр-тарларининг етакчи ўқитувчилари орасидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бириктириб қўйиш ҳамда зарур ўқув-услубий ёрдам қўрсатиш ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қарорнинг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш са-



## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қарорга мувофиқ, «Тақдиримсан, Бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган гояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича ҳар бир вилоят ва худуд, вазирлик ва идоралар, меҳнат жамоалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла идоралари олдида турган вазифалар қўриб чиқилди.

Бу борада шакланган ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиши ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифалар-

ни амалга ошириш, байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрафида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳрида ва жойларда ўтказиладиган байрам тадбирларига оммавий томшалар бўйича юксак муҳаббат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар, ижодий гуруҳлар, таникли олимлар, ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этиш ҳақида фикр юритилди.

Мажлисда байрам тадбирларини юзакилик ва баландпарвозликка йўл қўймасдан, одамларнинг қалби ва онига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА)

Сааноат

Учинчи сектор

Вазифа фақат

ҳисобот

топтириш эмас

ИСЛОХОТЛАРИНИНГ БУГУНГИ

БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ

ХУКУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ

ҚИЛИШ, УЛАР САЛОМАТЛИГИНИ

ТИКЛАШ, ОИЛА, ОНАЛИК ВА

БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА

ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ

ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМ

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI ASR»

Хоразм вилоятидаги «Интербилим» аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам ўз фаолиятининг илк даврлариданоқ хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хусусан, «Аёллар ва имконияти чеқланган кишилар бандлигини таъминлаш» лойиҳаси асосида Урганч шаҳри ва тумандаги 75 нафар аёл ва имконияти чеқланган ёшлар тикувчилик ва тўқувчилик касбларига бепул ўқитилди. Айни кунда ушбу ўқув-курсларида таҳсил олган хотин-қизлар миллий ва замонавий бичимдаги бежирим либослар тикиб, маҳаллаларда оилавий тадбиркорлар сонининг қўйалишига хизмат қилмоқдалар.

— Бунда бизга маҳалла фаоллари ва O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши яқиндан кўмак бермоқда, — дейди марказ раҳбари Рашида Мамашарипова. — Тақидлаш жоизки, ННТларнинг вазифаси фақат тадбир ўтказиш ёки ҳисобот топтиришдан иборат эмас. Ақинча, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз номи билан давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Биз фаолиятимизни 2005 йилда бошлаганмиз. Ушанда «Ўзбекистонда хайрия ишлари» лойиҳасини тақдим этиб, 3 млн. 240 минг сўмлик грантни қўлга киритган эдик. Утган давр мобайнида қўллаб қаратилган лойиҳаларни амалга оширдик. Айниқса, марказ томонидан ёшлар ва тадбиркор аёлларга имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам берилаялганлиги улар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилапти.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан эса «Интербилим» ННТ оилавий тадбиркорлиқни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратапти. Марказ томонидан уй шароитида миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича аёлларга тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда. Албатта, Хоразмда бундай ташкилотлар санининг кенгайиши худудда касаначиликнинг ривожланишига ҳам кенг йўл очаяпти. Зеро, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик, ёшлар ва аёллар ўртасида касаначилиқни оммалаштириш учун барча шароитлар мавжуд.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси худудида шакар заводи қуриладиган бўлди. UzDaily.uz сайтида хабар қилинишича, ҳукумат қарорига мувофиқ барпо этилялган янги корхонада бир кеча-кундузда 1000 тонна шакар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Қиймати 108,5 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳага «Welton International Enterprises Pte. Ltd.», «Kito Investment Pte. Ltd.» (Сингапур) ҳамда «SEID Handelsgesellschaft m.b.H.» (Австрия) компанияларининг инвестицион маблағлари жалб этиляди. Режага қўра, «Ангрен шакар» чет эл корхонаси қурилиши 2013 йилнинг 1 июлига қадар аяқуланлади. Таъкидлаш жоиз: айни пайтда мамлакат аҳолисининг мазкур мақсулотга бўлган эътиёжининг маълум қисмини қоплаётган «Хоразм шакар» ОАЖ қўшма корхонасида ҳам кунига 1000 тонна шакар ишлаб чиқарилялмоқда.

Шу ўринда 2012 йилнинг 1 сентябридан бошлаб касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълим усталари иш ҳақи малака тоифаларига қараб, касб-ҳунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштирилялганини алоҳида таъкидлаш лозим.

## Вазирлик танқиддан тўғри хулоса чиқарди



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI ASR»

— Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун таълим соҳасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланишнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб, таълим муассасалари ягона компьютер тармоғига ўлаш, «Электрон таълим» миллий дастурини барпо этиш ишлари ҳам айнан ана шу қонун доирасида амалиётга татиб этилмоқда.

Қўмита томонидан қабул қилинган қарор ижросини ўрганиш жараёнида ҳудудий малака ошириш институтларида ҳар бир тумандан 2 нафардан тренерлар тайёрлангани, улар томонидан Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 72 соатлик ўқув дастури асосида машгулотлар олиб борилгани маълум бўлди.

Агар мазкур ўқувлар бошлангунга қадар 13296 нафар ўқувчи компьютерда ишлаш оқибати бўлса, курс якунида бу кўрсаткич 54104 нафарга етган.

Шу ўринда депутатлар ижро ҳоқимияти мутасаддилари эътиборини Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6

июндаги қарорига қаратдилар. Унда «Информатика» фани дарсларида ҳар 100 нафар ўқувчига 5 та компьютер техникаси тўғри келиши белгиланган бўлса-да, айни пайтда бу борадаги ишларни жаддаллаштириш лозимлиги таъкид этилмоқда.

Кези келганда, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов айрим қишлоқ туманларида «Информатика» дарслари тўлиқ ўтилмаётганининг сабаблари билан қизиқди. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров қиш қаттиқ келган кунларда ҳақиқатан ҳам, компьютер синфлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганини, айни пайтда эса қолдирилган соатлар қўшимча дарслар ҳисобидан қопланаётганини таъкидлади.

Урта махсус касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари Зайниддин Худойбердиев эса «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқлиниб, марказ бўлимлари ва ҳудудий бошқармаларга тегишли вазифалар белгилаб берилганини айтди.

Педагог кадрларнинг АКТ

*Агар мазкур ўқувлар бошлангунга қадар 13296 нафар ўқувчи компьютерда ишлаш олган бўлса, курс якунида бу кўрсаткич 54104 нафарга етган.*

соҳасидаги билим даражасини оширишга қаратилган дастур ва уни амалга ошириш режа-жадвал асосида Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига ихтисослашган 32 та касб-хунар коллежларининг информатика фани ўқитувчиларидан 64 нафар тренер тайёрланиб, улар ёрдамида бошқа таълим муассасаларининг 115836 нафар педагоглари замонавий ахборот-коммуникация техно-

логияларидан фойдаланиш бўйича малака оширган.

Марказ тизимидаги таълим муассасаларининг «ZiyoNet» тармоғига уланишни жаддаллаштириш мақсадида 2012 йил 1 январдан бошлаб таълим муассасаларига бундай хизмат кўрсатилиши узлуксизлигини таъминлаш ва ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича назорат гуруҳи ташкил қилинган. Натижада 2012 йил 30 март ҳолатига мавжуд 1537 та таълим муассасасидан 1348 таси ёки 87,7 фоизи «ZiyoNet» ахборот тармоғига уланган.

Ёшларнинг касб-хунар сирларини пухта эгаллашларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътиборни янада кучайтириш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими мутахассисларининг Интернет тармоғига кириш ҳолатини яхшилаш учун «Ist Telekom» МЧЖ провайдерлиги билан келишилган ҳолда Интернетга уланиш тезлиги 128 кб/с дан 256 кб/с, айрим ҳудудларда 512 кб/с гача оширилган.

Лекин бу маълумотлар О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солеивни қониқтирмади ва у нима учун марказнинг расмий сайти ханузгача қонун талабларига жавоб бермаслиги, баъзи ҳудудларда «ZiyoNet» тармоғининг ўз вақтида молиялаштирилмагани боис кўпгина коллежларда Интернетга уланиш имконияти йўқлигининг сабабларини сўради. Зайниддин Худойбердиев эса бу борадаги саволларга аниқ жавоб қайтармади. Шунинг учун ҳам қўмита аъзолари марказнинг ҳудудий ахборот-услугий хизмати ўз олдига қўйилган вазифаларини тўлиқ бажара олмапти, деган хулосага келди.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йиғилиш якунида қабул қилинган қўмита қароридан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг ижросини ўрганиш чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва бажарилган ишлар натижалари хусусида мутасадди идораларнинг ахборот бериши белгилаб қўйилди.



## Қонун такомиллаштирилиши керак

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА «ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Ўз мухбиримиз

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда «Ўзқоммунизмат» агентлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раҳбарлари ва амалиётчи экспертлар иштирок этиб, соҳани янада ривожлантириш бораборида айрим муаммолар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинардан кўзда тутилган мақсадга тўхталар экан, қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов уй-жой мулкдорлари ширкатларидаги бугунги ҳолат билан яқиндан танишиши, тизим фаолиятининг самардорлигини оширишга ҳалақит бераётган камчиликларга оқилона ечим топиш, жамоатчилик билан ҳамкорликда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш долзарб масала эканини таъкидлади.

Маълумки, 2006 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, кўп қаватли уйлардаги хонадон эгаларининг умумий улуши мулкдаги ўз хиссасига мувофиқ унинг сақланиши бўйича харажатларда қатнашиши, турар-жой ва нотурар-жой мулкдорлари томонидан умумий мол-мулкдан фойдаланиш, уни биргаликда бошқариш ва таъмирлаш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган эди.

«Ўзқоммунизмат» агентлиги бош директори ўринбосари Олимжон Аҳмедовнинг таъкидлашича, республикамизда айни пайтда 30708 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 4979 та уй-жой мулкдорлари

ширкатлари хизмат кўрсатмоқда. Табиийки, бу уйлarning қарийб учдан бир қисми пойтахтда жойлашган ва уларга хизмат кўрсатиш учун 2327 та ширкат фаолият олиб бормоқда. Лекин О.Аҳмедов ана шундай натижаларга қарамай, айрим ширкатларнинг талаб даражасида ишламаётганига эътибор қаратди. Шу ўринда қўмита аъзоларининг мазкур семинарга тайёргарлик кўриш жараёнида Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларидаги ширкатларнинг бугунги ҳолати билан бевосита танишганлари бу борада аниқ хулосалар чиқариш имконини берганини таъкидлаш жои э.

Семинарда, шунингдек, 4547 та кўп қаватли уй бўлган Тошкент вилоятида ҳам тармоқ ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжудлиги тилга олинди. Хусусан, Олмалик шаҳри ва Оҳангарон туманида ширкатларга тегишли уйлар атрофидаги ер майдонлари ҳалигача туман(шаҳар) ҳокимлари қарори билан ширкатлар ихтиёрига ўтказилмаган. Ваҳоланки, қонуннинг 35-моддасида айнан ана шу талаб аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳўш, мавжуд аҳволни ўнглаш учун мутасадди идоралар қандай чора-тадбирлар кўрмоқдалар? Уларнинг самарали фаолият олиб боришларига ҳалақит қилаётган омиллар нималардан иборат? Балки амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ҳамда қўшимча киритиш зарурдир?

Қўпчилик депутатлар Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Алишер Набиевнинг ана шундай саволларга жавоб қайтаришини кутган эдилар. Аммо амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусидаги ҳисоботини ўқиб берган А.Набиев йиғилиш иштирокчилари талаби билангина мавжуд ҳолатга ўз муносабатини билдирди. Унинг фикрича, амалдаги қонундан уй-жой мулк-

дорлари ширкати уюшмага ихтиёрий равишда қўшилди, деган жумла чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқдир. Лекин О'zLiDeP фракцияси аъзолари агар уюшма уй-жой мулкдорлари манфаатини ҳимоя қила олса ва уларга ёрдам кўрсатиш юзасидан эътиборга молик ишларни амалга оширса, ширкатлар ўз-ўзидан уюшмага аъзо бўлишини таъкидладилар. Мабодо қайсидир ширкат мазкур тузилмага қўшилишни истамаётган экан, бунинг сабабларини уюшма фаолиятидаги камчиликлардан ахтариш лозим.

Алишер Набиев уй-жой мулкдорлари ширкатларига катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳоли хурматиغا сазовор бўлган инсонларни тавсия қилиш мақсада мувофиқ эканини ҳам таъкидлади.

— Бироқ бундай кишилар пенсия ёшида бўлиб, уларга нафақа пулидан ажралмаган ҳолда ойлик маоши олиш имконияти яратиб берилса, шахсий манфаатини кўзлайдиган «учар»ларнинг ширкатларга раҳбар бўлиб қолиши ва умумий мол-мулкни талон-тарож қилиш ҳолатлари ўз-ўзидан баҳрам топарди, — деди у.

Албатта, давлат ва жамоат ишларида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, нафақага чиққан кишиларни тўлиқ ойлик маоши тўлаш шарти билан ширкат раислигига тавсия этиш масаласининг муҳокама қилинаётган қонунга алоқаси йўқ. Лекин унинг долзарб эканини инобатга олган депутатлар бу муаммоларни бошқа қонунларни қайта кўриб чиқиш орқали ҳал этиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир якунида қўмита аъзолари соҳадаги камчиликларни бартараф этиш ва ҳуқуқий муносабатларни тартибни солишнинг сифат жиҳатдан янги бошқича кўтариш мақсадида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунни янада такомиллаштириш лозим, деган қарорга келдилар.

### Долзарб мавзу

## Қоидабузарликлар 28 фоизга қисқарди. Бироқ...

**2011 ЙИЛНИНГ 27 АПРЕЛИДАН КУЧГА КИРГАН «МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЙЎЛ ХАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛИШНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ**

Кахрамон САЙДАЛИЕВ, «XXI ASR»

Маълумки, янги қонунда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдоридан жазимага сабаб бўлиши белгилаб қўйилган эди. Утказилган тахлиллар ушбу қоидабузарлик билан боғлиқ ҳолатлар камайганини, хусусан, жорий йилда ҳайдовчилар томонидан хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қисқарганини кўрсатапти.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизга ушбу қоида 2007 йилнинг 1 июлидан Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида киритилиб, унга кўра, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камаридан мажбурий фойдаланиш жорий этилиши қатъий белгилаб қўйилган эди. Гап шундаки, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тахлиллари йўл-транспорт ҳодисаларининг 60-80 фоизда ҳайдовчи ва

йўловчиларнинг турли даражада тан жароҳати олиши ёхуд вафот этиши хавфсизлик камарини тақмаслик оқибатида юз беришини кўрсатмоқда. Бинобарин, ҳайдовчи ҳаракат чоғида олдинда бирор хавф пайдо бўлиб қолса, уни айланмиб ўтишга ёки илож топилмаганда машинани тўхтатишга мажбур бўлади. Бундай вазиятлар эса кутилмаганда рўй беради, албатта. Натижада қаттиқ чайқалиш туфайли ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам мувозанатни йўқотиб, жароҳатланиши мумкин. Қонунчилигимизга киритилган мазкур меъёрдан қўзланган мақсад ҳам фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этишдан иборатдир.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари, подполковник Анвархўжа Сулаймонхўжаевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда содир этилиши мумкин бўлган турли ҳодисаларнинг олдини олиш шу маънода ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Асосан мазкур масалага жамоатчилик эътиборини қаратишга хизмат қилаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида эса жами 25598 та учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиб, уларда 2,5 миллионга яқин фуқаро иштирок этди. Бун-

дан ташқари, ойлик давомида тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6110 км. автомобиль йўллари кўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотларга 380 та тақдимнома киритилди. Жойларда 879 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 2394 та эскирган йўл белгилари янгиларига алмаштирилди.

Энг асосийси эса «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасидаги учрашувларда бир қарашда анчайин оддий туюлган, бироқ замирида инсон омили билан боғлиқ долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки соҳага оид қонунлар такомиллаштирилиб, талаблар кучайтирилаётганга қарамай, ҳамон йўлларимизда йўл-транспорт ҳодисалари рўй бормоқда. Энг ачинарлиси эса уларда инсонлар жароҳат олаёпти, қурбон бўлаяпти. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса энг аввало одамлар онгига йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш керак, деган гоя синдирилиши лозим. Зеро, ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пидеда бўладими, ўзи ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканини ҳис этиб яшаши шарт.

### 2012 йил — «Мустақам оила йили»

### ОИЛА ВА ЁШЛАР

Фарғона санъат коллежида касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» қўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Баркамол ёшлар — юрт келажаги. Шу боис мамлакатимизда ёшларга замонавий билим бериш, уларни миллий кадрларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётган «Мустақам оила йили» Давлат дастурида ҳам мазкур вазифалар ўз ифодасини топган. Таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Мазкур қўриқ-танлов ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Оила — муқаддас кўрган, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Барно Исмоилова. — Унинг мустақам бўлиши фарзандларимизни ёшлигидан соғлом турмуш тарзига ўргатиш, оила қуришга пухта тайёрлашимизга боғлиқ. Шу боис ҳам бугунги кунда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Ёшларимиз бундай тадбирлар орқали соғлом оилани шакллантириш борасида муайян билим ва малакага эга бўлмоқдалар.

Танловда Бешарик туманидаги маънавий хизмат ва педагогика касб-хунар коллежи жамоаси галиб деб топилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

# Муносабат

## ЗАМОНАГА МОСЛАШИШНИНГ ХДПЧА УСУЛИ

### ЁКИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАЗКУР ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҚАРАШЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

Дунё ўзгаришлардан иборат. Табиат ҳам, жамият ҳам ана шу қонунятга бўйсунди, албатта. Инсоният дунёсида эса айрим ўзгаришларни сунъий тарзда амалга ошириш ҳоллари ҳам учрайди-ки, буни бир неча йиллардан бери ўзини O'zLiDeP илгари сураётган гоёга қарши қўйишга интиляётган ХДП фаолиятида ҳам кўра бўлади.

Шахзод НАЗАРОВ, «XXI asr»

Шу маънода ўзХДП нашрида O'zLiDePга нисбатан билдирилётган баъзи «танқидий» мулоҳазалар билан танишган, зукко ўқувчи беихтиёр ХДПни O'zLiDePнинг бир бўлимига, яъни либерал-демократик гоёни илгари сураётган сиёсий қўнунятга тазоқ тараққий этиши, унинг жамиятдаги мавқеи оксаланишидан манфаатдор бўлагига айланмоқда, деган хулосага келиши мумкин.

Ҳўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда? Кейинги вақтларда ХДП нашрида O'zLiDeP худудий кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ва турли вақтлар билан қайси-дир туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилмаганидан тортиб, барча мавжуд муаммоларда либерал-демократларни айблашга ҳаракат қилинётганида кўриш мумкин.

Тўғри, бир қарашда ҳалигача ХДП фаоллари чиқишларида O'zLiDeP гоёлари қабул қила олмаслик қайфияти ҳукмрондек туюляпти. Лекин вазиёт чўқурроқ таҳлил қилинса, O'zLiDeP шайнига билдирилётган танқидий мулоҳазаларнинг моҳиятидан ўзгаргани, улар либералларнинг аввалги ёндашуви-ю, қарашларини мутлақо қабул қила олмаслиқдан, эндиликда либералларни ўз қарашларини ҳаётга жорий қилишда етарлича фаол бўла олмаслиқда айблашга ўтаётганида кўринади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўтган йиллар давомида юртимизда рўй берган улкан ўзгаришлар ХДП қарашларига жиддий таъсир этганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу давр ХДП учун ҳам ўзини англаш, таъбир жоиз бўлса баъзан қийин кечсада, ўзи учун ўта муҳим хулосаларни чиқариш йиллари бўлди. Бундан ташқари, ХДП ўзининг эскича қарашлари замон талабларига жавоб бериётганини англаб, имкон даражасида ўзгаришга ҳаракат қилганлигига гувоҳ бўляпмиз. Айрим мисолларга мурожаат қилсак. Илгари ХДП янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил қилиш, тегишли инфратузилмани шакллантириш, аввало, давлат эътиборида бўлиши лозим, деган қарашни илгари сурган бўлса (бу ҳолат ХДП дастурида ҳам қайд этилган), эндиликда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу борадаги имкониятларини тушуниб етганига амин бўляпмиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам O'zLiDePни ушбу соҳа вакиллари хўмига қилиш бораида барча имкониятларни ишга сола олганлиқда айблаш ҳам аслида шундай ўзгаришнинг бир кўриниши, холос. Акс ҳолда қай бир партия гоёвий рақибини ўз низоми ва дастурий ҳужжатларини бажаришда фаоллик кўрсатаётганлиқда айблаши мумкин? Демак, ХДП нашрларидаги мақолалардан чиқарилиши мумкин бўлган дастлабки хулоса — иқтисодий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ролини мутлақлаштирувчи сиёсий куч учун бундай муҳим масалада нодавлат сектори, аввало, кичик бизнес ва фермерликнинг ролига алоҳида урғу берила бошланганлигидир. Бу ҳол истаъмизмий-ўқим, сўл партия — ХДП қарашларидаги туб бурилишлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу ўринда ХДПни, аввало, хўмига ва иш билан таъминланмишга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларининг ифодачиси, эканини таъкидлаш лозим. Бу эҳтиёж-ни қондиришнинг энг муҳим во-

ситаси, шубҳасиз, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экани, ҳозирда 81 фоизга яқин ишга лаёқатли аҳоли айнан шу секторда иш билан таъминлангани билан ХДП ҳисоблашмаслиги мумкин эмас эди ва эртами-кечми ўз қарашларини ўзгартириши аниқ эди. Партия нашрида, қола-

нинг ўртага қўйилиши яққол кўрсатиб турибди. Энг муҳими эса ХДП бу йўналишдаги тадбирларни бугун партия амалга ошираётган энг асосий вазибалар сирасига киритиб, «ҳаётий ташаббус» (2012 йил 21 февраль) сифатида баҳолаётгани эътиборга моликдир.

Бундай хатти-ҳаракатларни асослаш учун ХДП фаоллари «Кишилар қобилияти ва қизиқиши асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, хусусий мулкни орқасидан ўзи, ўз оиласи учун даромад манбаи яратиши керак» (2012 йил 19 май) қабилидаги фикрларни илгари сурмоқдалар. Аслида бундай қарашлар O'zLiDeP дастурида илгари сурилган гоёлардан умуман

фаровонлигини таъминлашда тадбиркорлик ва шахсий ташаббускорликнинг, қолаверса мулк масаласининг, айниқса, хусусий мулкнинг аҳамиятини тўғри тушуна бошлаганидир.

Маълумки, O'zLiDeP дастурида «партия мамлакатимизда тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, гоё ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка ҳамда умуман жамият фаровонлигига интилувчи фуқароларни бирлаштириши» алоҳида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан ХДПнинг «ҳаётий ташаббуслари» да айнан «иқтисодий жиҳатдан фаол, ўз бизнес-режасига эга бўлган шахслар қатнашаётганлиги («Ўзбекистон овози» 2011 йил 22 октябрь), бу тадбирлар орқали ХДП «қўлида хўнари бор, фаол кишиларга ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун кўмак бериш — партиямиз (яъни ХДП!) олдига турган асосий вазиба» сифатида белгилаб олаётганлиги (2012 йил 19 январь) ХДПда либерал гоёларга интилиш тобора кучаяётганлигидан далолат беради. ХДПнинг O'zLiDeP изидан бораётганлиги тўғрисидаги фикрларга ҳам аслида ХДП томонидан тадбиркорлар орасида ўтказилаётган тадбирлар эмас, балки O'zLiDeP дастурий мақсадларига низоҳатда яқин турган мана шу қарашлар асос бўлмоқда. Бу фикрни ХДП қанчалик инкор қилмасин бу — ҳақиқат.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, ХДП фаоллари эътиборини яна бир муҳим жиҳатга қаратсак. Худди O'zLiDeP каби тадбиркорликка интиланган, ўз шахсий ташаббусларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётган фуқароларимиз ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ХДПнинг устувор мақсадларидан бирига айланаётган экан, бундай салоҳият фақат либерал шароитда, эркинлик шароитида тўла-тўқис рўёбга чиқиши мумкинлигини таъкидламоқчимиз.

**ХДП фаоллари эътиборини яна бир муҳим жиҳатга қаратсак. Худди O'zLiDeP каби тадбиркорликка интилган, ўз шахсий ташаббусларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётган фуқароларимиз ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ХДПнинг устувор мақсадларидан бирига айланаётган экан, бундай салоҳият фақат либерал шароитда, эркинлик шароитида тўла-тўқис рўёбга чиқиши мумкинлигини таъкидламоқчимиз.**

верса, ушбу партия томонидан ўтказилаётган асосий тадбирларда илгари сурилаётган гоёлар ҳам айнан шу мазмундаги ўзгаришлар партия ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлигидан далолат бермоқда, десак муболаға бўлмайди. Фақат бу ҳақиқатни тушуниб етиш учун ХДПга узоқ вақт зарур бўлди.

Айни пайтда ХДП жуда қаттиқ ишонган ва ўзи учун ўзгармас ҳақиқат саналган, ҳатто партия дастуридан ўрин олган яна бир гоёвий қараш дарз кетаётганини кўриш мумкин. Яъни, «барчани бирдек тадбиркор қилиб бўлмайди», «барчани тадбиркор қилиш қийин» қабилидаги гоёларни ўзи учун аксиомага айлантирган ХДП ўтган йиллар давомида ана шу фикрни қанчалик изчил инкор этишга уринган бўлса, кейинги йилларда ўз гоёларида кескин бурилиш ясаб, аксинча ушбу қарашларнинг оташин «ифодачиси»га айлана бошлади. Бунинг ХДП нашрида «Ишга муҳтож бўлган, ўз иқтисодий ҳолатини яхшиламоқчи бўлган одамларни тадбиркорликка жалб қилсак, бунинг нима-си ёмон, нимага бизнинг бу фаолиятимизни бошқа партиялар танқид қилади?» каби саволлар-

Умуман олганда, давлат томонидан амалга оширилаётган ишларни «ўзлаштириш» ХДПга хос одат. Лекин бу ерда гап ХДП аҳоли

### «ДОРИ-ДАРМОН»НИНГ «1002» ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ

8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхонаси, 17 та улгуржи омбор ҳамда 15 та назорат-таҳлил лабораторияларини бирлаштирувчи «Дори-дармон» акциядорлик компаниясининг айни кунда республика бўйича 1220 та дори ва тиббиёт маҳсулотлари билан савдо қилувчи муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, уларнинг 698 таси, яъни 72 фоизи қишлоқ туманларида жойлашган. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган «ISUZU» юк автомобилларининг изотермик фургонлари базасида ташкил этилган 14 та кўчма дорихоналар орқали эса 2011 йилда 1,084 млрд. сўмлик (2010 йилга нисбатан 75,2 фоиз кўп) дори ва тиббиёт маҳсулотлари сотилган. Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда таъкидланганидек, яқинда «1002» телефон рақами орқали амалга оширилаётган кўп тармоқли маълумот олиш хизмати ишга туширилди. Шунингдек, «Дори-дармон» АК тегишли имтиёзларга эга бўлган фуқароларни бепул дорилар билан таъминлаш вазибаларини ҳам бажариб келмоқда. Хусусан, 2011 йилда ана шу тоифадаги беморларга компанияга қарашли дорихоналар томонидан бепул рецептлар асосида 1,7 млрд. сўмлик (2010 йилга нисбатан 12,25 фоиз кўп) дори маҳсулотлари тарқатилган.

### АНДИЖОНДА ҲАЙВОНОТ БОҒИ ИШГА ТУШДИ

Энди андижонлик болажонлар ҳайвонот боғини кўриш учун пойтахтга бормайдиган бўлдлар. Уларга бундай имкониятни изибосқанлик тадбиркор Махмуджон Иминов раҳбарлигидаги «Wild nature of asian» МЧЖ бунёдкорлари яратиб бердилар. Бу ерга Африка, Жанубий Америка ва Марказий Осиёдан келтирилган турли ҳайвонлар кичкинтойларнинг эътиборини торта бошлади. Улар орасида экзотик ва нодир ҳайвонларнинг 30 дан ортққ тури бор. Боғишамол дам олиш масканининг сия-салқин қисмида ташкил этилган ҳайвонот боғи дастлабки кўнларданок томошабинлар билан тўлмоқда.



### Партиявий лойиҳа

## Бизнесга диплом билан

Давоми. Бошланishi 1-саҳифада ◀

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI ASR»



— Ушбу лойиҳа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Марказий банк, «Асакабанк», «Ипотекабанк», «Микрокредитбанк», шунингдек, Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳаётнинг қай соҳаси бўлмасин, дастлабки қадамларни қўйиш осон кечмайди. Гарчи дипломи бўлсада, касбий таърибага эга бўлмаган ёш мутахассисни ҳамма ҳам қучоқ очиб қўйиб олмайди. Мустақил равишда бизнес оламига киришни режалаштирган битирувчи эса катта уммонга кичик қайиқда ҳеч бир харита ва захира-сиз саёҳатга чиққан денгизчи каби маълум қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ана шундай ёшларни зарур кўникма билан таъминлаб, уларни сафарга тайёрлаётган ўқув бандагроҳига ўхшайди.

Лойиҳанинг март-апрель ойларида ўтган туман (шаҳар) саралаш босқичларида жами 4200 дан зиёд битирувчилар ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, уларнинг 1735 нафари танлаб олинди. Энди улар лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида қатнашадилар.

Айни пайтда навбатдаги босқич иштирокчилари учун ўқув курслари ташкил этиляпти. Айниқса, Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятларидаги ўқувлар юқори савияда ташкил этилиб, уларда жами 410 нафар ёшлар иштирок этди.

Шу ўринда лойиҳанинг Наманган вилоят босқичи иштирокчилари учун реал натижаларга бой бўлганини таъкидлаш лозим. Бунинг Фермер хўжалиқлари уюшмаси ва Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси мутасаддилари таклиф қилингани, лойиҳанинг оммавийлигини ошириш ва ёшларни кенг жалб этиш мақсадида «Асакабанк» ҳамда O'zLiDeP ҳамкорлигида махсус веб-сайт яратилгани ҳам кўриш мумкин.

Лойиҳага имкон қадар кўпроқ ёшларни жалб этишга ҳаракат қилдик, — дейди O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши «Ёшлар билан ишлаш» бўлими мудури Мухомон Юсуфонов. — Айтайлик, 2011 йили тадбир иштирокчиларининг 44 нафарига 251 млн. 680 минг сўм миқдорида микрокредитлар берилиб, 110 та янги иш ўрни яратилган бўлса, бу йилги вилоят босқичида 130 нафар истеъдодли талабанинг бизнес лойиҳалари қабул қилинди.

— Ушбу ўқув-семинардан жуда катта таассурот олдим, — дейди



*Лойиҳанинг март-апрель ойларида ўтган туман (шаҳар) саралаш босқичларида жами 4200 дан зиёд битирувчилар ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, уларнинг 1735 нафари танлаб олинди. Энди улар лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичида қатнашадилар.*

Наманган саноат коллежи битирувчиси Абдулазиз Холмирзаев. — Тўғри, коллежда ҳам бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик бўйича билим берилган. Лекин лойиҳада банк, солиқ ва суғурта идоралари вакиллари широк эътибор билан биланларимизни янада бойитишга, маълумотларни янгилашга имкон берди. Шахсан ўзим нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхона очиб тўғрисидаги бизнес лойиҳамни хўмига қилдим.

Лойиҳанинг яна бир иштирокчиси — Уйчи саноат-транспорт ва алоқа касб-хўна корлежининг битирувчиси Амина Мухаммадинова келажакда тивувчиликни ривожлантириш, хўшбичим маҳсулотлар билан эл-юртга манзур бўлишни ният қилмоқда.

— Бунинг учун, аввало, замонавий тивув машиналари зарур, — дейди Амина биз билан суҳбатда. — Шу босиб банкдан 7 миллион сўм миқдорда кредит олмақчимман. Кредит ва унинг фоизларини қайтариш, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини ўз бизнес режамда акс эттирдим.

Таъкидлаш керакки, иштирокчиларга вилоятдаги етакчи тижорат банкларида кредитлар олиш учун йўланмалар тақдим этилгани гўё уларнинг ўз орзулари йўлидаги биринчи давонни забт этилганини аналтиб, қувончларига қувонч қўшди. Энг муҳими, лойиҳа тингловчилари учун энди тадбиркорлик уммонидаги тўсиқлар кўрқинчли эмас.

**Реклама**

**SD PAPER**

МЧЖ корхонаси  
2,5 кг. А4 ҳажмидаги офсет  
қорозларини таклиф этади.

SD PAPER  
Laser, copier and inkjet

A4 80 500

100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш. Ўзбекистон шох кўчаси 16 А ўй. Мурожаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 249-49-06.

**Навоий.** O'zLiDeP Конимех туман кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда O'zLiDePнинг устувор вазифалари» мавзудаги ушбу тадбирда маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ раислари иштирок этдилар. Унда бошқарув органларини шакллантиришда партия иштирокини янада кенгайтириш ва электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш юзасидан муҳим тавсиялар берилди.

**Жиззах.** «Хизмат кўрсатиш ва сервис маданияти: вазифалар, муаммолар, ечимлар» — Мирзачўл тумани халқ таълими бўлими қошидаги БПТда ана шу мавзуда очиқ мулоқот ўтказилди. Унда кун тартибидagi масала юзасидан апрофилча фикр юритилиб, бу борада маҳаллий кенгашлар билан бошланғич таълимчилар ҳамкорлигини кенгайтириш, жойларда хизмат маданиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

**Андижон.** Марҳамат тумани «Турон» ўқув маркази қошидаги БПТда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзуда навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда касаначилик, оилавий бизнес, ёшлар бандлиги масалалари кўриб чиқилди, шунингдек, иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан зарур йўл-йўриқлар берилди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 21 июнь, пайшанба, 25-(449)-сон

## Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

**O'ZLIDEP ЧИЛОНЗОР ТУМАН КЕНГАШИ ҲАМ АТРОФИГА ТАШАБУСКОР ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРМОҚДА**

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**  
«XXI ASR»

Буни «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида ҳам кўрсатилади. Корхона ёшларидан 30 га яқини БПТ атрофига уюшиб, қўзланган мақсадларни рўйга чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Мана, бир мисол. БПТ фаоллари анчадан бери касб-хунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш, уларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келишарди. Ниҳоят, ушбу таклиф ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. Зеро, бандлик масаласини ҳал этишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда 15 нафар касб-хунар коллежи талабаси жамоада амалиёт ўтамоқда. БПТ раиси Артём Гладкихнинг таъкидлашича, улар етарли билим ва малакага эга бўлган, таъкид этиладиган янги иш ўринларига қабул қилинади.

— Ёшларга эътибор қаратишимизнинг корхона учун фойдали жиҳатлари кўп, — дейди БПТ етакчиси. — Аввало, улар янги технологияларни тез ўрганиб олишади. Қолаверса, бозордаги рақобат муҳити муттасил изланишни, замон ва харидор талабларидан ортда қолмаслик ҳамда маҳсулот турларини босқичма-босқич кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бундай вазиятда ёшларга хос янги қарашлар, оригинал гоёлар жуда кўп келади, албатта.

Дарҳақиқат, «ПГС» корхонасида қарор топган сиёсий фаолликнинг молиявий кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айтайлик, 2010 йилда жамоа товар айланмаси 1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 2 миллиард сўмга етди. Даромадлар ҳам ўнлаб миллион сўмлар билан ўлчанади. Асосан маийший ускуналар, ошхона жиҳозлари — электр қозон ва ўчоқлар, гўшт маҳсулотлари пишириладиган электр қўрлар, иситиш печлари, электромассажер ва тиббий каравотлар иш-



С.ЖУМАЕВА

лаб чиқарадиган ушбу корхона ўз имкониятларини тобора кенгайтириб, харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнатга яраша даромад, дейдилар. Изланишлар орақасидан моддий манфаатдорлик ошиб бормоқда. Энг асосийси, БПТ атрофига уюшган фаоллардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Улар мамлакатимиздаги улкан сиёсий куч — O'zLiDeP аъзоси эканликлари билан фахрланиб меҳнат қилишмоқда. Тимур Зокиров, Денис Путин-

цев ана шулар жумласидандир. Улар ўз зиммаларига юклатилган партиявий топшириқларни сифатли даражада адо этишмоқда.

— Бугун замон ҳам, талаб ҳам босқача — дейди Тимур Зокиров. — Эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир шарафимиз ҳам ўз зиммаларимиздаги юксак масъулиятни тўла ҳис этишимиз, эл-юрт катталикларимизнинг йўлида куч-гайратимизни аямаслигимиз лозим. Ана шунда эртаминг янада нурли ва фаровон бўлади.



### ЖИЗЗАХНИНГ РАНГЛИ ПИЛЛАСИ

Тошкент давлат аграр университети олимлари ипак куртининг маҳаллий навини Япониядан келтирилган «супер элита» уруғи билан чагиштириш орқали пилланнинг пушти, сариқ ва яшил рангда товланувчи янги турларини яратишга муваффақ бўлдилар.

— Хорижий мамлакатларда хом ипак кимёвий усулда бўялади. Бирок сунъий ранглар тез орада ўз хусусиятини йўқотади, — дейди O'zLiDeP фаоли, 2010 йилдан буюн ипакни қайта ишлаш билан шуғулланувчи «Жиззах-Кўхунур» хусусий корхонаси раҳбари Халисхон Бобоева. — Шу боис янги навлар сановат соҳаси мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Олимлар билан ҳамкорликда Фаллаорол ва Фориш туманларида олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, рангли пилланнинг етиштиришда кам маблағ сарфлаб, нисбатан кўп фойда олиш мумкин экан. Дастлабки таҷрибалар давомида маҳаллий навга нисбатан 0,5-0,6 грамм оғирроқ (ўртача 1,6-1,8 грамм) бўлган янги пилланнинг узлуқсиз чуваланиши одатдагига нисбатан 200-300 метр кўпроқ, қарийб 800 метрни ташкил этиши маълум бўлди.

**БПТ ва депутатлар гуруҳи:**

## Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

**ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ДЕПУТАТЛАР ВА ЭЛЕКТОРАТ ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАЯПТИ**

**Солижон ЗОИРОВ,**  
«XXI ASR»

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи вакиллари шундан келиб чиқиб, ўз сайловчилари билан учрашув чоғида уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олишмоқда.

Шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирокидagi навбатдаги тадбир «NERUDNIK» МЧЖ қошидаги БПТда ташкил этилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Боиси мазкур бошланғич ташкилот партиянинг Бектемир туманидаги йирик ва фаол куйи бўйинлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, айни кунда туман аҳолисининг деярли 10 фоизи, яъни 3000 дан зиёдроги O'zLiDeP аъзоси эканлиги ҳам эътиборга моликдир.

БПТда бўлиб ўтган ушбу йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, O'zLiDeP Бектемир туман кенгаши раиси Рауфшон Шарипов сўзга чиқиб, иктомий-иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида халқ вакиллари олдига турган долзарб вазифаларга тўхтади. Зеро, келажак тақдир учун юксак масъулият билан иш юритиш уларнинг биринчи галдаги ўрнини эгаллашга тўғри. Бинобарин, электорат имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, бошланғич партия ташкилотлари билан туман кенгаши ва маҳаллий кенгаш депутатлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Шу маънода мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида ўртага қўйилган вазифалар иқтисодий тўла таъминлаш, жойларда депутатлик сўровлари институти кенг жорий этиш, турли ҳаётий муаммоларни дадиллик билан маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Йиғилишда, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорларнинг манфаатларини ишончли ҳимоялаш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш масалаларига ҳам кенг эътибор қаратилди. Очига, изланиш ва фаоллик «NERUDNIK» МЧЖнинг иқтисодий имкониятларини тобора кенгайтирмоқда. Кейинги икки



йилда амалга оширилган техник қайта янгилаш ва модернизациялаш ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариладиган шағал, тош, кум каби норууда маҳсулотлар ҳамми ҳам, соф даромад ҳам кўпайди. Айни пайтда 300 дан зиёд киши шу ердан ризқ-насиба топмоқда. Корхонада O'zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинганда уларнинг деярли барчаси партия сафига кириш истагини билдиришгани ҳам бежиз эмас. Зеро, улар мамлакатнинг бугунги қайноқ ҳаётини сиёсий жараёнлардан ажратиб қараб бўлмастганини яхши тушунишади. Шу боисдан ҳам партия гоёларини қалбга го этиб, ягона мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Биз фаолларимизга ишонамиз, — дейди БПТ ра-

иси Алмаш Асманкулова. — Хусусан, бугунгидек учрашувлар уларнинг сиёсий иродасини тоблаб, партия гоёларига бўлган садоқатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қолаверса, бундай тадбирлар ўзига хос жамоатчилик «кабулхонаси» вазифасини ҳам ўтаб, партия аъзоларида туғилган турли тақлиф-мулоҳазаларни бевосита ваколатли шахсларга етказиш имкониятини яратди. Партия аъзоларининг ҳуқуқий билимларини тақомиллаштириш, қонунчиликдаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор қилиб туриш мақсадида бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирғанимиз.

Йиғилиш якунида қўрилган масалалар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлди.

## XXI ASR сайтида ўқинг



**НЕГА УЮШМА РАУНСИНИНГ ТАКЛИФИ ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ?**

**WWW.21ASR.UZ**

## Ҳаёт мазмуни

— Мустақиллик йиллари жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, айниқса, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётган, — дейди биз билан суҳбатда O'zLiDeP фаоли Санам Жумаева.

**Носир ТОШЕВ,**  
**Асхор ИСТАМОВ,**  
«XXI ASR»

Суҳбатдошимиз ҳар гал босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар экан, икки бир қониқш хусусини тўғридан тўғри айтди. У бундан 30 йил аввал Пешку туманидаги 3-умумтаълим мактабин битирди. Кейин Бухоро кооператив техникуми (ҳозирги юридик ва маийший хизмат коллежи)нинг бухгалтерия йўналишини тамомлаб, матлубот жамиятида ҳисобчи бўлиб иш бошлади. Роппа-роса чорак аср шу соҳада фаолият кўрсатган малакали мутахассис Қарши давлат университетини ҳам битириб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, «Истикбол» КФЙ тизими «Навбахор», «Валфажир» ва «Боғумусо» маҳаллаларидан иборат бўлиб, бу ердаги 3690 та оилада 14900 киши истиқомат қилади. Кекса-ю

ёшнинг мақсад-муддаоси битта, у ҳам бўлса, юрт маъмуричилигига муносиб ҳисса қўйишдир. Бу ердаги 3000 гектар майдонда 20 дан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, улар томонидан қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Етти йилдан буюн қишлоқ фуқаролар йиғинига етакчилик қилаётган С.Жумаева ташаббуси билан «Истикбол» қишлоқ фуқаролар йиғини ва фермер хўжаликлари ўртасида узаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натихада фермерлар томонидан ногирон ва боқувчисини йўқотган кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаёпти. Пешку қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг кам таъминланган ўқувчи-ёшларига ҳам саховатпеша ҳомиюрот томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. «Навбахор» маҳалласи худудида гимнастика залининг ишга туширилиши ҳам, аҳоли истиқомат жойларида қўллаб сарта-

рошхона, тикув цехи ва савдо дўконларининг фойдаланишга топширилиши ҳам, шубҳасиз, маҳаллий тадбиркорлигининг тинимсиз меҳнат ва изланишлари маҳсулидир.

С.Жумаева халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида ҳам 14 нафар маслақдошдан иборат депутатлик гуруҳи эътиборини ислохотларни жадаллаштиришга тўқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларга қаратаёпти. Масалан, Навбахор ва Малишояк қишлоқлари худудидagi салкам 3 чакирим узунликдаги йўл мутасадди ташкилотлар томонидан асфальтлаштирилди. Кўрсовдан қишлоғи йўлларига эса шағал ётқизилди. Тадбиркор ва ишбилармонлар ёрдами билан туман марказида қад ростлаётган «Никоҳ уйи» биноси эса ёш келин-куёвларга муносиб совға бўлиши, худуд хуснига-хусн қўйиши турган гап.

Туман марказий касалхонаси бош шифокори Фазлиддин Узюков, Пешку қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори Яхё Каримов, туман ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Саодат Ибрагимова сингари фаоллар эса депутатлик гуруҳи фаолиятини йўлга қўйишда

алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Санам Жумаеванингни ўзи эса халқ депутатлари туман кенгашининг ёшлар масалалари бўйича доимий комиссия раисидир. Йигит-қизларнинг ишдан ва ўқишдан бўш пайтларини мазмунли ташкил этиш, улар иштирокида турли кўрик-танловлар ва давра суҳбатлари уюштириш, айниқса, касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшлари ўртасида бандлик даражасини ошириш ана шу комиссия аъзоларининг диққат эътиборида, албатта. Ана шундай ғайрат ва интилиш туфайли Пешку қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини битирган 240 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминландилар.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши Санам опа сингари партия фаоллари ғайратига ўн ғайрат қўшиди, десак адашмаган бўламиз. Зеро, ўзига тинч, соғлом, пойдевори мустаҳкам оилалардагина баркамол авлод вояга етади. Бундай авлод эса то маънода юрт келажигидир. Жамоатчи аёл, ишнинг кўзини биладиган моҳир фермер, тиниб-тинчимас депутат, O'zLiDeP фаоли Санам Жумаева сингари маслақдошларимиз бугун ана шундай эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

# Жараён

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича БУХГАТТЕРИЯ ХИСОБИ, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божиона ва божиқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйилган қийматини белгиледи.


1 Дания кронаси	▲ 321,52	1 Канада доллари	▲ 1842,98	1 Туркия лираси	▲ 1043,09
1 БАА дирҳами	▲ 512,21	1 Малайзия ринггити	▲ 597,91	1 Жанубий Корея вонги	▲ 16,24
1 Миср фунти	▲ 311,32	1 Польша злотийси	▲ 563,05	1 Россия рубли	▲ 58,07
1 Исландия кронаси	▲ 15,09	1 СДР	▲ 2859,12		

## Мижоз манфаати ҳар нарсадан муҳим



**ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСКИЧИДА ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ, МИЖОЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР**

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент вилоят филиали жамоаси ҳам шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштирмоқда. Хусусан, ҳисоб-қасса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредит ажратиш, лизинг амалиётлари билан боғлиқ хизматлар кўпчилигини мамнун эътафти. Аҳоли ва юридик шахслардан жалб қилинган маблағлар икти-содиётнинг реал сектори-га босқичма-босқич йўналтирилиб, омонатчи-лар манфаатларига мос равишда кўпайтирилмоқ-да. Бу борада «Мижоз банк учун эмас, балки банк миқоз учун» тамой-илига қатъий амал қилиш ўз самарасини бераптир.



**Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига банк филиалининг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 39,86 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 58,2 фоизга ўсди. Узоқ муддатли кредитлар салмоғи эса 83,7 фоизга етди.**

Соник С.С.ИР. Оқолат Сурат

«Асака» банкининг Тошкент вилоят филиалига мурожаат этган эдик. Илтимосимиз тез фурсатда қондирилди, — дейди Зангинота туманидаги «Sardor Fayz Plus» хусусий корхонаси раҳбари Фатхулла Қорабоев. — Ҳозирда насли жўжалар ҳисобидан аҳолига парҳез гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бераймиз. Дарҳақиқат, шундай. Бугун бозор пештахталарини тўлдириб турган озиқ-овқат маҳсулотлари асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги кишини қувонтиради. Бунда республика тижорат банклари, жумладан, «Асака» банк Тошкент вилоят филиалининг ҳам муносиб хиссаси бор, албатта. Миқозларга қулайлик

яратиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги (2009 йил 26 январь) қароридан келиб чиқиб, филиал томонидан 15,4 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланаётганлиги аниқ мудо-дир. Корхонамиз ҳам бундан мустасно эмас. Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида «Асака» банкининг Тош-

кент вилоят филиалидан кредит олган эдик. Шу ҳисобдан ўйлаган режаларимиз бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Энг муҳими, янги лойиҳани амалга ошириш натижа-сида 11 та янги иш ўрни яратилди, — дейди «Yashil Diyor Biznes» МЧЖ раҳбари Дилмурод Нормуродов.

Бир сўз билан айтганда, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки-нинг Тошкент вилоят филиали миқозларга барча турдаги замонавий хиз-матлар кўрсата оладиган универсал кредит ташки-лотига айланиб бормоқда. Хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин молия муас-сасаси кўмағидан хур-санд. Банк жамоаси бозор талабларидан келиб чи-қиб хизмат кўрсатишнинг оддий, қулай ва замона-вий усулларини ҳаётга кенг жорий этмоқда. Мақ-сад аниқ: миқозлар сафи-ни янада кенгайтириш, уларнинг ишончини тўла қозониш ва шу орқали мамлакат молия бозори-дан муносиб ўрин эгал-лашдир.

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки матбуот хизмати

### Қутлов

**«САМ ГРЕЙН» МЧЖ ЖАМОАСИ**

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимият ила муборакбод этади. Хонадонингиздан файз-барака, тинчлик-осойишталик ҳеч қачон аримасин, азизлар!**

## Яхшидан боғ қолади

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,** «XXI ASR»

Зеро, интенсив боғлар тез хосилга киради. Шу боис жойлар-да уларни имкон қадар кўпайтириш чоралари кўрилмақда. Ҳозиргача 5,1 минг гектар майдонда ана шундай боғлар барпо этилганлиги фикримиз исботидир.

— Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги 267 та агрофирма билан мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида тегишли шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида 40,2 млрд. сўмлик бўнак маблағлари ажратиб берилди, — дейди Р.Р.Шредер номи Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти директори Шермухаммад Юсупов. — Қолаверса, бизнинг тупроқ-иклим шароитимизга мос серхосил навларни яратиш, пировардида уларнинг пакана ва ярим пакана кўчатларини кўпайтириб, давлат реестрига киритиш қўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, боғларда ресурс тежай-диган технологияларни татбиқ этиб, тупроқ унумдорлигини оши-риш, тоғ ва тоғолди худудларида янги боғ-тоқзорлар яратиш, касал-лик ва зараркунандаларга қарши кураш, мева-узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда институт тизимдаги ташкилотлар томонидан 120 дан ортик янги навлар яратилди ва улардан 57 таси давлат реестрига киритилди. Шунингдек, мева ҳамда узумнинг 28 та янги нави районлаштирилди, 32 та истиқбол-ли навлар давлат синов комиссиясига топширилди. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 4,9 минг гектар мева-ли боғ, 554 гектар пакана ва

ярим пакана (интенсив) мевали боғлар, шунингдек, 2,4 минг гек-тар янги тоқзорлар барпо этилган-лиги ҳам эътиборга моликдир.

Маълумки, боғ ва тоқзорларни ўз вақтида агротехника қоидалари асосида суғориш, маҳсулот мўл-қўллигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Тажри-баннинг кўрсатишича, боғлар томчилигиб суғорилганда 30 фоиз сув тежалари, ҳосилдорлик 30-60 центнерга кўпаяди.

Институтда мева-узум маҳсу-лотларини қуритиш технологияси бўйича ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, йи-рик донали кишмишнинг «Ботир», «Сўғдиёна», «Хишрав» навларидан экспортбоб маҳсулот олишда улар-ни плёнка билан ёпиб, штабелл усулида қуритиш яхши самара бе-риши амалда исботланди.

Институт мева ва узумчилик со-ҳаси бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилмо-қда. Россиянинг Сибирь боғдорчи-лик илмий-тадқиқот институти бил-ан имзоланган ва 2008-2013 йил-ларга мўлжалланган шартнома фикримиз далилидир.

Ана шу ҳамкорлик натижасида 10 та қорағат (смородина), 5 та мали-на, 5 та чакандо, 2 та калина, 30 та қўлпунай кўчатлари, 5 та олма ва 6 та нок нави қаламчалари олиб ке-линиб, пайванд қилинди. Ҳозирда бу навларнинг маҳаллий иқлим шаро-итига мослашуvi ўрганилмоқда.

2011 йилда АҚШнинг Калифор-ния штатидан 5 та ўрик, 10 та гил-ос, 8 та олхўри, 12 та шафтоли, 5 та бодом навларининг қаламчалари олиб келиниб, ускана пайванд шаклида экилган эди. Ҳозир улар яхши ривожланмоқда. Шунингдек, ҳамкорлардан олинган шафтоли, олхўри ҳамда нок уруғлари ҳам ин-ститут кўчатхонасига экилган. Яқинда «Узум етиштириш ва май-из қуритишнинг замонавий техно-логияси» қўлланмаси 3000 нусха-

да чоп этилиб, боғбонларга ама-лий ёрдам сифатида тавсия қилин-ди.

Интенсив боғлар барпо этиш мақсадида Украинадан уруғли ме-валарнинг пакана (М-9) ва ярим па-кана (ММ-105) пайвандтағларидан 400 минг дона олиб келиниб, она-лик кўчатхоналари барпо этилди. Яна бир муҳим янгилик шуки, му-ассаса илмий тажрибаси асосида иситиш тармоқларисиз ишлайдиган кичик ҳажмдаги 5 та иссиқхона ташкил этилди. Уларга пакана пай-вандтағда ўсувчи олма, шафтоли, лимон ва ток кўчатлари экилиб, за-монавий тажриба асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Институт ҳаётига оид муҳим во-қеалардан яна бири — бу мева ўсимликларининг кўчатларини ту-вакларга экиб, улардан тез ва юқори ҳосил олиш билан боғлиқ. Бир йил аввал 1500 та тувакка экилган ва пакана пайвандтағга уланган олма, нок, беҳи, гилос, шафтоли, ўрик, олхўри кўчатлари ҳозирда муваффақият билан пар-вариш қилинмоқда. Бундай усулда ўстирилган мевали кўчатлардан 3-4 йил орасида ўртача 5-8 кило-граммдан ҳосил олиш мумкинлиги амалда исботланган.

Жорий йил апрель ойида Турки-ядан олманинг ярим пакана (ММ-106) пайвандтағидан 200 минг дона, гилосниқидан 50 минг дона олиб келинган эди. Шундан 25 мингта олма ҳамда 45 мингта гилос кўчати институт тажриба хўжалиғида пар-варишланмоқда. Улар маҳаллий иқлим шароитига яхши мослаша-птир. Бир сўз билан айтганда, ин-ститут олим-мутахассислари рес-публикамизда боғдорчилик ва узум-чиликни изчил ривожлантириш, маҳсулот мўл-қўллигини таъминлаш ҳамда сифатини яхшилаш йўлида бор билим-маҳоратларини ишга со-лишмоқда. Изланишлар эса эрта-ми-кечми, ўз самарасини бериши шак-шубҳасиздир.

### Қутлов

**«SAM ROS XOLOD»**

**Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси жамоаси**

*мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан ютуқларимиз ва бугунги фаровон ҳаётимиз кўзгуси ҳисобланмиш тўртинчи ҳокимият вакиллари 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан чин дилдан қутлайди.*

*Касбингиздан унаётган барака туганмас, ризқингиз бутун, ижодий салоҳиятингиз юксак бўлсин! Қаламингиз сиёҳи фақат эзуликка хизмат қилаверсин!*

**27 ИЮНЬ**

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини**

# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

юртдошларимизни  
эзгу мақсадларга  
сафарбар этаётган,  
эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугуни  
ва эртанги куни учун ёниб яшашга  
даъват этаётган соҳа вакилларини

*Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари куни  
билан самимий мувофакбат этади.*

Сизларга узоқ умр,  
сиҳат-саломатлик  
ва ижодий баркамоллик  
тилаймиз!

# 27 ИЮНЬ

# Сўнги саҳифа

## Хабарлар



### АВТОБУСЛАРГА GPS ЎРНАТИЛАДИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги GPS тизимини жорий эта бошлади.

«Ўзхбороттранс» МЧЖ билан ҳамкорликда таъбиқ этилаётган Туркиянинг «Ulukar Destas» компаниясининг «Trio mobile» дастури транспорт воситаларининг жорий вақтдаги ҳаракат нуктасини электрон хариталар ёрдамида кўриш ва тезлигини аниқлаш, уларнинг ҳаракатлини давомийлиги, юкларни ва йўловчиларни чиқариш ва тушириш, ишни бошлаш ҳамда якунлаш вақтларини назорат қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, ушбу тизим орқали датчиклар кўрсаткичларини кузатиш йўли билан транспорт воситаларининг техник ҳолати тўғрисида маълумот олиш, автомобиль босиб ўтган масофани кузатиш, барча ахборотни маълумотлар базасида сақлаб, транспорт ҳаракати тарихига оид ҳисоботлар тайёрлаш мумкин. GPS тизимининг ишга туширилиши қўйлаётган хавф-хатар ёки йўлдаги тўсиқлар боис йўналишни ўзгартириш ҳақида огоҳлантириш, ҳаттоки тўхтаб турган автомобилнинг двигател ва эшикларини блокировка қилиш орқали диспетчер кўрсатмасига бўйсунмаётган транспорт воситасини масофадан бошқариш имконини беради.

## Қутлов

### «AZIM ХОТАМ ҚУРУВЧИ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан соҳа вакиллари самимий табриқлайди ва қўйидаги эълонни тақдим этади:

#### Азиз юртдошлар!

«AZIM ХОТАМ ҚУРУВЧИ» хусусий корхонаси Самарқанд шаҳри, Пахтаобод (ул.Пахтабадская) кўчасида 32 хонали, 4 қаватли элита турар-жой биноси қурилиши бошланишини маълум қилади. 3 хонали квартира — 186 млн. сўм 2 хонали квартира — 164 млн. сўм

Квартира харид қилиш истагида бўлганлар қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар кўрғони, Умид кўчаси, 15-уй. Тел: +99 893 996-85-85

Хизматлар лицензияга эга!



Пошио бир кўни Афандига: — Саройбон мунажжимни ҳеч қаердан тополмайман. Сиз мунажжим бўлиб қўя қолмайсизми? — Шохим илтифот қилсалар, хотиним иккаламиз бўлар эдик. — Нега энди? — Чунки, — тушунтира бошлади Афанди, — мен хотиним билан сўзда ҳам, ишда ҳам сира мурося қилолмайман. Мен «бугун ёмғир ёғди», десам у «ёғмайди» дейди. Мана, узоқ йиллардан бери синаймани, ё меннинг ёки унинг айтгани бўлади.

Ҳазил чекинишимиз газетхонларимизда ҳам мамлакатимизда ҳафта давомида қандай об-ҳаво кузатилади, деган савол келтириб чиқариши табиий. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, 21-28 июнь кўнлари ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. 22-24 июнь кўнлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво бироқ булутли бўлиб туради. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 17-22, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлишини кўрсатади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, шомол шарқдан 7-12 м/с. тезликда эсади, 22-24 июнь кўнлари 15-20 м/с. гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 19-24 даража илиқ бўлади.

## ALOQABANK

Халқаро рейтинг: E+ /B1 /B2 /NP

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан ОАТ «Алоқабанк»га қўйидаги халқаро рейтинг баҳолари берилди:

Барча рейтинглар бўйича прогноз —

### «БАРҚАРОР»

Хорижий валютадаги депозитлари бўйича - B2/NP

Миллий валютадаги депозитлари - B1/NP

банкнинг молиявий барқарорлиги - E+

www.aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



### «ОЛТИН ГЕПАРД» ИЖОДКОРЛАРНИ КУТМОҚДА

Иккинчи мартаба ўтказилган «Олтин гепард» халқаро кинофорумга кўрилатган тайёргарлик ишларига бағишланган тадбирда таъкидланганидек, ушбу форумда иштирок этмоқчи бўлган ижодкорлар ўз аризаларини 10 августга қадар топширишлари мумкин.

Olam.uz сайтида хабар қилинишича, бу галги кинофорумнинг конкурс ва конкурсдан ташқари дастурларида юртимиз киноижодкорларидан ташқари Болгария, Миср, Эрон, Марокаш, Тунис, Жанубий Корея каби ўнлаб мамлакат вакиллари ҳам иштирок этиш истагини билдирган.

Эслатиб ўтамиз: «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида иккинчи марта ташкил этиладиган «Олтин гепард» кинофоруми жорий йилнинг 30 сентябрь-5 октябрь кўнлари бўлиб ўтади.

## Реклама

# КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Равномерно повышает всю слизистую носа, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

В отличие от кортикостероидов, ксилметазолин не вызывает vasoconstrictor effect

Точное дозирование исключает передозировку

В отличие от кортикостероидов, ксилметазолин не вызывает vasoconstrictor effect

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с воспалением слизистой оболочки, острый аллергический ринит, поллиноз, синусит, евстахиит, средний отит (для уменьшения отека слизистой оболочки). Подготовка слизистой к хирургическим манипуляциям в носовой полости.

Быстрее насморка!

# Йодомарин®

Каплев йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

БЕРЛИН - ХЕМИЕ МЕНАРИНИ



TADBIRKORLAR VA ISHBIARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсуф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ, ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳод НАЗАРОВ, Сайдулла ИКРОМОВ, Аҳсар ИСТАМОВ, Темир АБДУРАХМОНОВ, Тоғчи МИРХОДИЕВ, Нозир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНОВ, БОШ МУХАССИС: Миродил АБДУРАХМОНОВ, МАТН ТУЗУВИ: Ратно АБДУАЛИМОВА, БУЛИМЛАР: Котибят — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ешлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс), ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уя ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot@xxi.uz@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru © XXI ASRдан олинган маълумотларда қайба сифатда газета номин кўрсатишни шарт. Муаллифлар, фирми таҳририят нуктани назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НҲМУ Босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» иқтисодий-саноат газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қўйлаётган ўткан.

Буорина рақами: J 4805. Тираж: 18 370 Баҳоси келишилган нарҳда. Топшириғи — 2090



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406

Набавчар: К.САЙДАЛИЕВ, С.ЗОИРОВ.